O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV

Шу азиз Ватан — барчамизники

O'zbekiston ovozi

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASINING SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI ❑ 2000 YIL 21 SENTABR PAYSHANBA № 112 (26.662)

ЭНЕРГЕТИКА – ДАВЛАТИМИЗ САЛОҲИЯТИ, ИҚТИСОДИЁТИМИЗ ТАЯНЧИ

Оқсаройда Энергетика тизимида ишлаб турган қувватларни ривожлантириш ва таъмирлаш истиқболларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик, идора, қўмита ва ташкилотлар раҳбарлари, мутахассислар иштирок этди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошқарди.

Йиғилишда иқтисодиётни янада ривожлантириш, халқ фаровонлигини мунтазам ошириб бориш масалалари энергетика тизимларининг бетўхтов ишлаши ва доимий суръатда ривожлантириб борилиши билан бевосита боғлиқ эканлиги таъкидланди. Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин электр қуввати ишлаб чиқариш ва халқ хўжалиги тармоқларини эҳтиёжига яраша таъминлаш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Республика иқтисодиётининг катта одимлар билан илгарилаб бораётгани эса бу соҳанинг янада тараққий эттирилишини талаб қилмоқда. Шу боис Вазирлар Маҳкамаси қарори билан Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги мутахассислари томонидан соҳани янада ривожлантириш ва мавжуд қувватларни таъмирлаш лойиҳаси ишлаб чиқилган эди.

Энергетикани ривожлантириш жуда катта сармоя сарфлашни тақозо этади, деди Юртбошимиз. Шундай экан, биз маблағ сарфлашдан аввал энг мақбул лойиҳани тузиб олишимиз зарур. Зеро, энергетика давлатимиз бугунги салоҳияти, эртанги қувватининг манбаидир. Масалан, Амударё ва Сирдарё сувидан фойдаланиш борасида пайдо бўлаётган муаммоларнинг аксарияти энергетика масалаларига бориб тақалади. Қиш ойларида Қирғизистон Тўқтағул сув омборидан электр қуввати олишда сув сарфини кўпайтириб юбормоқда, бу эса ёзги суғориш мавсумида Сирдарёда сувнинг камайишига олиб келаётир. Амударё сувининг бир маромда келиши ҳам Норак сув омборига боғлиқ.

Мамлакатимиздаги аксарият ГРЭСлар ҳозир газ билан ишламоқда. Албатта, газ арзон, уни ёқиш ҳам осон. Лекин нафақат бизнинг, балки келажак авлодларнинг ҳам насибаси қўшилган бундай ер ости бойликларини бу йўсинда ҳавога совуриб юборишни жиноят, деб биламан, дея таъкидлади Президент. Газ ва нефть ўта қимматбаҳо технологик хомашё, кейинчалик ўрни қопланмайдиган бойликдир. Табиат ато этган бундай бебаҳо неъматларни келажак авлодлар учун ҳам асрашимиз даркор.

Мамлакатимиз раҳбари Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги томонидан тайёрланган лойиҳага тўхталиб, энергетика соҳасини янада ривожлантиришнинг бир қанча стратегик масалаларига йиғилиш қатнашчиларининг эътиборини қаратди.

Биринчидан, мавжуд лойиҳада асосий ёқилғи манбалари — кўмир, газ ва нефтдан фойдаланиш баланси аниқ кўрсатиб ўтилмаган. Бинобарин, энергетикани ривожлантириш истиқболлари ҳақида гап кетганда қайси ёқилғи турига асосий эътиборни қаратишимиз зарурлиги аниқ эмас. Энергетика соҳасига сарфланаётган маблағ бугун фойда келтириши, айни чоғда мамлакатнинг эртанги кунига ҳам хизмат қилиши зарур. Мамлакат иқтисодиётининг таянчи бўлган энергетика тизимини ривожлантириш ҳақида гап борганда, стратегик йўналиш доимо диққат марказида бўлмоғи лозим.

Иккинчидан, лойиҳада сарфланаётган маблағ маҳсулдорлиги ҳақидаги масала алоҳида кўрсатиб ўтилмаган. Ёқилғи сарфини камайтириш, меҳнат маҳсулдорлигини ошириш ҳам доимий эътиборда туриши зарур. Иш ҳақи даражасини охирги натижага боғлиқ этиб қўйиш керак. Бутун дунё энергетикани ривожлантириш масаласида тежамкорликни ошириш йўлидан боряпти, чунки бу йўл ҳам энергетиканинг ўзида, ҳам истеъмолчиларда маблағнинг тежалишига, пировард натижада эса, маҳсулотларнинг арзонлашувига олиб келади.

Учинчидан, тежамкорлик масаласи нафақат янги ва замонавий қувватларни ишга туширишда, балки мавжуд қувватларни модернизация қилиш ҳисобига ҳам ҳал этилиши зарур. Бор ускуналарни ишлатиб келаётган ишчи ва муҳандисларга раҳмат. Лекин нимани ва қачон янгилаш, таъмирлаш масаласи, қайси технологияни қачон ўзгартиш зарурлиги олдиндан режалаштириб қўйилган бўлиши шарт. Энергетикани ривожлантириш масаласи қўйилганда ҳаммасини бозор ҳал қилади, деган ақидага ишониш ярамайди. Энг ривожланган давлатларда ҳам энергетика тизимининг истиқболлари масаласини давлат ҳал қилади.

Тўртинчи масала — мавжуд қувватлардан оқилона фойдаланишдан иборат. Энергия таъминотидаги мустаҳкам ишонч — бугунги куннинг энг долзарб масаласидир. Энергетика тизимларидаги кутилмаган узилишлар туфайли халқ хўжалиги объектлари фаолиятининг бир қанча вақт тўхтаб қолишига йўл қўйиб бўлмайди. Бунга эса фақат қувват манбаларининг ўзаро боғлиқлигини мустаҳкамлаш орқалигина эришиш мумкин.

Бешинчидан, энергетика тизимида халқаро кооперацияни кучайтириш — кун тартибида турган энг муҳим масалалардан биридир. Хусусан, Фарғона водийсини электр қуввати билан таъминлаш борасида Қирғизистон билан ҳамкорлик яхши натижаларга олиб келиши мумкин. Унутмаслик керакки, Ўрта Осиё шароитида сув ва энергетика масаласи бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Шундай экан, бу масалаларнинг бир бутун ҳолда ҳал этилишидан ҳар икки давлат бирдай фойда кўрган бўлур эди.

Олтинчидан, Фарғона водийсини электр қуввати билан таъминлаш масаласи энергетика тизимларини ривожлантириш лойиҳасида алоҳида банд шаклида киритилиши зарур, деб таъкидлади Юртбошимиз. Водийнинг иқтисодий салоҳияти, географик жойлашуви, аҳолисининг тез суръатларда кўпайиб бораётгани масалани шу тарзда қўйишни тақозо этмоқда. Ҳозир водийга электр қуввати Тожикистон ҳудуди орқали етказиб берилмоқда. Ҳолбуки, водийнинг энергетика тизимини ўз-ўзига кифоя қиладиган даражага етказиш мумкин ва лозим.

Шунингдек, мамлакатимиз раҳбари энергетика тизимини ривожлантириш бошқарувнинг оптимал даражада бўлишига ҳам боғлиқ эканини кўрсатиб ўтди. Масалан, энергетиклар электр станцияларини газга ўтказиш лозимлиги ҳақида гапирганда, кўпинча, станциялар учун кўмир етишмаслигини баҳона қилади. Кўмирчилар эса маҳсулотига харидор етишмаслигидан нолийди.

Ҳолбуки, ёқилғи ишлаб чиқарувчилар билан уларнинг истеъмолчиси бўлган энергетиклар ягона тижорат тизимининг аъзолари бўлишганда эди, бундай сансалорликка барҳам берилган бўлар эди. Шу боисдан мамлакатимиз раҳбари ёқилғи қазиб олишдан маҳсулот тайёрлашгача бўлган тўла циклни ўз ичига қамраб оладиган тижорат тузилмалари тузиш ҳақида таклифлар тайёрлаш масаласини кун тартибига қўйди. Молия вазирлигига электр қуввати ишлаб чиқаришда газ ҳиссасини камайтириш учун сотиб олинаётган кўмирга давлат дотацияси ажратиш масаласини ўрганиб чиқиш топширилди.

Йиғилишда энергетика тизимида ишлаб турган қувватларни ривожлантириш ва таъмирлаш истиқболлари ҳақидаги лойиҳа бандма-банд атрофлича муҳокама этилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

■ **Мусулмон НАМОЗОВ, ЎзА мухбири**

Суратда: йиғилишдан лавҳа.

■ **Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат**

«СОҒЛОМ АВЛОД — БИЗНИНГ КЕЛАЖАГИМИЗ»

Фарзандларимиз эртанги кунимизнинг эгаларидир. Улар нечоғлик соғлом ва баркамол бўлса, Ватанимиз истиқболи ҳам шунчалик ёруғ, келажагимиз буюк бўлади. Шу қутлуғ мақсад йўлидаги эзгу ҳаракат истиқлол сиёсатининг узвий қисмини ташкил этади.

Мамлакатимизда 2000 йилнинг «Соғлом авлод йили» деб эълон қилинишидан мақсад-муддао ҳам мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб ёш авлоднинг соғлом ва баркамол бўлиши йўлида амалга оширилган кенг кўламли, эзгу ишларни янги босқичга кўтариш ва жамиятда юксак масъулият туйғусини тўла шакллантиришдан иборатдир.

«Абу Али ибн Сино» нашриёти яқинда чоп этган «Соғлом авлод — бизнинг келажагимиз» китоби бу борада қилинган ишларни атрофлича ёритишга бағишлангани билан қимматлидир. Тўрт қисмдан иборат ушбу китобнинг биринчи қисми «Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» деб аталган. Бу қисмдан Президентимиз Ислом Каримовнинг соғлом авлодни тарбиялаб вояга етказиш борасида билдирган қимматли фикрлари, соғлом авлод давлат дастурини тасдиқлашга бағишланган мажлисда сўзлаган нутқи, Юртбошимизнинг ёш авлоднинг иқтидорли вакилларига йўллаган мактублари, «Соғлом авлод учун» ордени, шу номдаги жамғарма ва журнални таъсис этиш тўғрисидаги тарихий ҳужжатлар, соғлом авлод давлат дастурига шарҳ ва бошқа материаллар ўрин олган.

«Азиз биродарлар, ўзингиз ўйлаб кўринг, бу ёруғ дунёда инсондан нима қолади? — дейди Ислом Каримов. — Йиққан-тергани бир кун тугайди. Сендан ёдгорлик бўлиб, умрингнинг давомчиси бўлиб, чироғингни ёқадиган фарзанд қолади. Агар фарзанд соғлом, оқил, иймон-эътиқодли бўлса, ота-онасига фақат раҳмат келтиради, одамларга наф келтиради, эл-юртнинг назаридан ҳеч қачон қолмайди».

Юртбошимизнинг донишмандона бу сўзлари китобнинг мазмун-моҳиятини белгилаб қолмай, ҳар биримизни фарзанд тарбияси, унинг саломатлигига юксак масъулият билан ёндошишга ундайди.

Китобнинг иккинчи қисми «Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлади» деб номланган. Бу қисм 1993 йили Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг ўтган етти йиллик фаолияти ҳамда галдаги муҳим вазифалари ҳақидаги мақола билан очилади.

Ўразбой Абдураҳмоновнинг «Оқ ўтовдан таралган она мадҳияси» мақоласида эса Оролбўйи аҳолиси саломатлигини таъминлаш борасида қилинган ишлар, Нукусдаги Скрининг Маркази, 300 ўринга мўлжалланган маслаҳат поликлиникаси ҳамда республика оналик ва болаликни муҳофаза этиш маркази ҳақида ҳикоя қилинган.

Шунингдек, бу қисмда ногиронлар саломатлигини тиклаш марказлари, ўсмирлик палласи боланинг ички дунёсида содир бўладиган ўзгаришлар, «Соғлом авлод учун» журнали ёшлар орасида олиб бораётган хайрли ишлар кенг таҳлил этилган.

Албатта, ҳар бир инсон фарзанди соғлом, баркамол бўлишини истайди. Бизнинг ота-боболаримиз ҳам худди шундай мақсад билан яшашган. Асрлар оша яшаб келаётган оналар алласи, Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Қошғарий, ибн Сино асарларидаги ўлмас фикрлар бунга мисол бўла олади.

Китобнинг «Соғлом авлод орзуси» қисмидан шу руҳдаги мақолалар ҳам ўрин олган. Соҳибқирон Амир Темурнинг фарзандлар саломатлиги йўлида қилган ишлари, улуғ алломалар бешигини тебраттан оналар риёзати, Алишер Навоий асарларидаги соғлом авлод тарбияси талқинлари, миллат фидойилари бўлмиш маърифатпарварларнинг бу борадаги хизматлари ҳақида атрофлича ҳикоя қилинган, уларнинг ибратли ўтитлари ҳамда асарларидан намуналар берилган.

Китобнинг «Сиз ҳам башар фарзандисиз...» деб номланган хотима қисмида Ғафур Ғулом, Зулфия, Миртемир, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов каби ардоқли шоирларимизнинг мумтоз шеърлари жамланган бўлиб, улар ҳам фарзанд тарбияси, уларнинг орзу-ҳаваслари, камоли ва бахт-саодати мавзуига бағишлангандир. Шунингдек, китобдан ҳар бир қисмга оид рангли суратлар туркуми ҳам ўрин олганки, бу унинг мазмунини янада бойитишга хизмат қилган.

■ **Ш.Ҳамроев (ЎзА)**

«ШУ АЗИЗ ВАТАН БАРЧАМИЗНИКИ!»

20 сентябрь куни Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ҳузуридаги «Сиёсат» мунозара клубининг, **«Шу азиз Ватан барчамизники!»** мавзуида, навбатдаги машғулоти бўлиб ўтди.

Унда ХДП Тошкент шаҳар ва вилоят кенгашлари фаоллари ҳамда халқаро терроризм ва диний экстремизмга қарши кураш бўйича Қўшма баёнот ва ҳамкорликдаги амалий ҳаракатлар Дастурини қабул қилган, сиёсий партиялар ва нодавлат ташкилотлар вакиллари иштирок этдилар.

Машғулотдан кўзланган асосий мақсад — республика Олий Мажлиси III сессиясининг Ўзбекистон фуқароларига, барча мамлакатлар парламентларига, жаҳоннинг тараққийпарвар жамоатчилигига Мурожаатномасида билдирилган таклифларни амалга ошириш йўллари, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг БМТ Бош ассамблеясининг, «Мингйиллик саммити» номини олган, сессиясида сўзлаган нутқи моҳиятини ўрганиш ва Ўзбекистондаги сиёсий партиялар ва нодавлат ташкилотларнинг, «Ўзбекистон умумий уйимиз!» шиори остидаги, ҳамкорликдаги амалий ҳаракатлар Дастурида белгиланган вазифаларни адо этишда Ўзбекистон ХДП ташкилотлари ҳамда партия матбуоти нашрларининг ўрни қандай бўлмоғи керак каби саволларга жавоб топиш эди. Шуни таъкидлаш жоизки, юқорида қўйилган масалалар машғулот иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди ва қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлди.

Машғулотда Ўзбекистон ХДП МК котиби А. Рустамов, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши котиби Р. Ҳайдаров, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси МК аъзоси Г. Насаль, Ўзбекистон ХДП Шайхонтоҳур туман кенгаши котиби Б. Ғоипов, «Текстиль» ҳиссадорлик жамияти бошланғич партия ташкилоти котиби У. Султонова, «Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» акциядорлик жамияти бошланғич партия ташкилоти котиби Ғ. Исломов, Тошкент шаҳридаги «Гулобод» маҳалласи бошланғич партия ташкилоти котиби М. Муҳилдинова, Ўзбекистон ХДП Акмал Икромов туман кенгаши котиби О. Хожимуҳамедов ва бошқалар сўзга чиқдилар.

«Сиёсат» мунозара клуби ташкилотчилари ва унинг иштирокчилари, бундан буён, шундай мавзудаги учрашувларни тез-тез ўтказиб туриш фойдадан ҳоли эмаслигини таъкидладилар.

■ **Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

КОМИЛ ИШОНЧ

Жиззахда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асари асосида яратилган фильмнинг тўртинчи қисми намойиш қилинди.

Тақдимот маросимига тўпланганлар мамлакатимиз жаҳондаги тараққий этган давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаётгани, ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда эришилаётган улкан муваффақиятлари ҳақида ҳикоя қилувчи ушбу фильм халқимизда ватанимиз келажаги буюклигига яна бир бор комил ишонч уйғотишини таъкидладилар.

■ **Худоёр ҲАМИДОВ**

АҚШ ДАВЛАТ ДЕПАРТАМЕНТИДА

15 сентябрь куни АҚШ Давлат департаменти мамлакат қонунларига биноан «Ўзбекистон ислом ҳаракати»ни хорижий террорчилик ташкилоти, деб тавсифлашга қарор қилганини билдирди ва бу хусусда махсус баёнот ҳамда маълумотнома тарқатди.

Баёнотда таъкидланишича, Давлат департаменти мамлакат Конгрессини ўз қароридан огоҳ этган. «Ўзбекистон ислом ҳаракати»ни хорижий террорчилик ташкилоти, деб эълон қилиш ҳақидаги қарор мазкур билдиришдан кейин етти кун ўтиб, расман кучга киради.

«Ўзбекистон ислом ҳаракати», дейилади баёнотда, тинч аҳоли ҳаёти ва минтақадаги хавфсизликка таҳдид солмоқда.Ўзбекистон фуқароларига нисбатан содир этилган террорчилик ҳаракатларига айнан шу ҳаракат жавобгардир.Унинг одамлари хорижликларни, хусусан, 1999 йили японияликлар, бу йил эса америкалик алпинистларни ўғирлаган. Ўзбекистон ва Қирғизистон ҳудудларига уюштирилган босқинчиликлар учун жавобгарликни ҳам айни шу ҳаракат ўз бўйнига олган.

АҚШ Давлат департаменти «Ўзбекистон ислом ҳаракати» 16 кишининг ўлимига сабаб бўлган Тошкентдаги портлашларга ҳам алоқадор, деган фикрда.Департаментнинг маълумотномасида қайд этилишича, «Ўзбекистон ислом ҳаракати» ислом жангариларининг коалицияси бўлиб, уларнинг мақсади минтақа мамлакатларида ҳокимиятни ағдариш, барқарорликни издан чиқаришдир. Мазкур жангариларнинг маълум қисми Тожикистондаги фуқаролар урушида иштирок этган.Уларнинг бошлиғи Тоҳир Йўлдошев Ўзбекистон ҳукуматига қарши «жиҳод» эълон қилган.90-йилларнинг ўрталаридан буён «Ўзбекистон ислом ҳаракати» жангарилари Афғонистон ҳудудидаги лагерларда тайёргарликдан ўтиб келади, айрим жангарилар Усама бин Лодин назорати остида туради.Тўда «Толибон» ҳаракати ҳамда Афғонистонда ва ўзга мамлакатларда қўним топган бошқа гуруҳлар, алоҳида шахслардан ёрдам олиб туради. «Ўзбекистон ислом ҳаракати» ўзининг ғаразли мақсадларига эришиш учун террор йўлини танлаган, АҚШнинг иқтисодий ва тижорий манфаатларига катта фаоллик билан зарар етказишга уринаётган, АҚШ фуқароларига ҳужум қилган минтақадаги ягона гуруҳдир.

АҚШ сиёсати террорчилик ташкилоти билан қонуний мухолифат ўртасидаги фарқни эътироф этиш асосига қурилган бўлиб, «Ўзбекистон ислом ҳаракати»нинг террорчилик ташкилотлари рўйхатига киритилиши ана шу фарқнинг инъикосидир.АҚШ Ўзбекистоннинг ўз суверенитетини ҳимоя қилиш, ҳудудий яхлитлигини сақлаш ҳуқуқини ва бу борадаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди.Шу муносабат билан Давлат департаменти «Ўзбекистон ислом ҳаракати»ни ўзида 28 террорчилик ташкилоти номини жамлаган рўйхатга киритди.Бунинг натижаси ўлароқ, АҚШнинг ҳифзи ҳимоясидаги хусусий ва юридик шахсларнинг мазкур тўдага молиявий ёрдам кўрсатиши тақиқланади, Молия вазирлигига эса «Ўзбекистон ислом ҳаракати»нинг АҚШ юрисдикцияси остидаги ҳар қандай активларини тўхтатиш ҳуқуқи берилади. Шунингдек, ушбу тўда вакилларига АҚШга кириш визаси берилмаслиги ёки умуман мамлакат ҳудудига кириш тақиқлаб қўйилиши мумкин.

■ **(ЎзА)**

«АЛПОМИШ» ФАОЛИЯТ БОШЛАДИ

Сурхон воҳасида донни қайта ишлайдиган корхоналар сони яна биттага ортди. Байрам арафасида Жарқўрғон туманида Ўзбек — Турк «Алпомиш» қўшма корхонаси ўз фаолиятини бошлади. Бир кечакундузда 150 тонна ун ишлаб чиқараётган ушбу корхона тўлиқ компьютер тизими билан таъминланган. Бу иш унумдорлигини янада оширмоқда.

■ **Абдумалик ҲАЙДАРОВ**

XXI АСР — АХБОРОТ, ФИКР, ТАФАККУР АСРИ!
«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» — АХБОРОТ, ФИКР, ТАФАККУР ТАРАФДОРИ!
«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ОБУНА БЎЛИНГ!

«МИНГЙИЛЛИК САММИТИ»ДАН СЎНГ

ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР ҲАМКОРЛИГИДА

Яқинда Президентимиз И. А. Каримов Нью-Йоркда бўлиб ўтган «Мингйиллик саммити»да экология масалалари — атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, Орол денгизи муаммолари хусусида тўхталиб, бу дунё ҳамжамияти ва халқаро ташкилотлар иштирокида ҳал этиладиган масаладир, деди. Бугунги кунда ушбу йўналиш бўйича Ўзбекистонда Европа мамлакатлари ҳамда Россия мутахассислари билан ҳамкорликда бир қатор ишлар бошлаб юборилди. Тошкентда иш бошлаган ушбу халқаро семинарлар ҳам ана шу мавзуларга бағишланди.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ЮНИДО дастури билан ҳамкорликда «Таъсири узоқ вақт сақланиб турадиган токсик моддалар: Марказий Осиёда атроф-муҳитнинг ифлосланиши ва қайта тиклаш технологияларини қўллаш» мавзуида семинар бўлиб ўтди. Унда Ўрта Осиё мамлакатлари ҳамда Россия Федерациясида атроф-муҳитнинг парчаланиши қийин бўлган заҳарли моддалар билан ифлосланиши муаммоси кўрилди ҳамда зарарланган ҳудудларни тозалаш тадбирлари, Европанинг етакчи мамлакатларида мавжуд рекультивацион технологиялар билан танишдилар. Голландия, Италия, Германия, Словакия, Австрия, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистондан келган мутахассислар Ер юзининг барча мамлакатларида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, инсон соғлигини авайлаш, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсини асраш — биринчи галдаги долзарб масала эканини айтиб ўтдилар. Жумладан, шу хусусда Венгрия, Болгария, Польша, Вьетнамда янги дастурлар бўйича ўқув машғулотлар ва амалий семинарлар ўз ишини бошлаб юборди.

***

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометерология Бош бошқармаси ташаббуси билан бошланган иккинчи минтақавий амалий семинар «Орол — ГМНТ» лойиҳаси ва сув ресурсларининг сифатини баҳолаш мавзуига бағишланди. Семинар қатнашчилари Оролбўйи ҳудудидаги вазиятни ўрганиш, аҳолини ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилиш учун янги лойиҳаларни яратиш зарурлиги масаласини ўртага қўйдилар. Шунингдек, йиғилишда сув ва унинг заҳираларини асраш ҳам долзарб масала эканлиги кўриб чиқилди.

■ **Умида МАНСУРОВА**

ХДП ХАБАРЛАРИ

ШУ КУНЛАРДА

Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят шаҳар ва туман кенгашларида, партия марказий матбуот нашрлари «Ўзбекистон овози» — «Голос Узбекистана» газеталарига 2001 йил учун обунани уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида, «Партия матбуоти кунлари» ўтказилди. Ушбу тадбирларда қатнашган партия фаоллари, ташкилот ва корхоналар раҳбарлари, ХДПдан сайланган депутатлар ва газета муштарийлари иштирок этишди. «Партия матбуоти кунлари» Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республика, Андижон, Фарғона, Наманган, Сурхондарё, Сирдарё, Жиззах вилоятлари ҳамда қатор шаҳар ва туман кенгашлари томонидан ҳам ўтказилди.

***

Шаҳрисабз туманидаги «Шаҳрисабзконсерва» ҳиссадорлик жамияти ишчиларининг тўрт нафар фарзандини суннат тўйи бўлиб ўтди. Ушбу меҳр-мурувват тўйини ўтказиш билан боғлиқ барча харажатларни ҳиссадорлик жамияти раҳбарияти ўз зиммасига олди. Ушбу тадбирни ташкиллаштиришда ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси, Олий Мажлис депутати Н. Исмоиловнинг алоҳида ўрни борлигини таъкидлаш жоиз.

***

Ўзбекистон ХДП Косон туман кенгаши ижроия бюроси махсус қарор қабул қилди. Унга асосан, туман партия кенгаши, бундан буён, қишлоқ мактабларининг кутубхоналарига зарур китобларни мунтазам равишда бепул етказиб берадиган бўлди. Бу хайрли иш, яқинда, Беруний номли мактабда бўлиб ўтди. Туман партия кенгашининг ушбу хайрли ишидан барча мамнун.

***

ХДП Гулистон шаҳар кенгаши ижроия бюроси йиғилиши бўлиб ўтди. Унда халқ депутатлари Гулистон шаҳар Кенгашига сайланган ХДП депутатлик гуруҳи раҳбари Қ.Қ. Юсупалиевнинг ахбороти тингланди.

***

Тошкент шаҳар Юнусобод туман партия кенгаши, туман соғлиқни сақлаш бўлими билан ҳамкорликда, «Огоҳликка даъват — замон талаби» мавзуида, семинар-мулоқотини ўтказди. Худди мана шу мавзуга бағишланган тадбир, Шайхонтоҳур туман кенгашида, Тошкент шаҳар бош имом-хатиби Анвар ҳожи Турсунов иштирокида, ташкил этилди.

***

Ўзбекистон ХДП Қувасой туман кенгаши, армия сафларига чақирув ёшидаги ўсмирлар ўртасида, «Мен Ватанимни севаман ва ҳимоя қиламан» мавзуида, учрашув ўтказди. Бўлиб ўтган учрашувда Ватанга муҳаббат, унинг сарҳадларини кўз қорачиғидай асраш ва ҳимоя қилиш олий бурч эканлиги тўғрисида сўз юритилди. Учрашув сўнггида ХДП сафларига янги қабул қилинган саккиз нафар ёшларга партия билетлари топширилди.

***

Норин туман партия кенгаши, туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда, «Баркамол шахснинг шаклланишида маънавият, миллий мафкура ва ҳуқуқий тарбиянинг ўрни» мавзуида, илмий-амалий анжуман ўтказди. Йиғилишда, туман халқ таълими бўлими ва «Камолот» жамғармаси туман бўлинмалари вакиллари иштирок этишди.

***

Асака туманидаги «Наврўз» жамоа хўжалигида, ХДП туман кенгаши масъул ходимларининг дала меҳнаткашлари билан мулоқоти ташкил қилинди. Ўзаро мулоқот чоғида огоҳлик давр талаби эканлиги тўғрисида сўз юритилди. Тадбир сўнггида, жамоа хўжалигининг илғор теримчиларидан беш нафарига туман партия кенгашининг совғалари топширилди.

***

Ўзбекистон ХДП Олтинкўл туман кенгаши томонидан, «Фахрийлар ва издошлар» мавзуида, давра суҳбати ташкил қилинди. Қизиқарли бўлиб ўтган ушбу давра суҳбатида 70 дан ортиқ партия фахрийлари ва ХДП бошланғич ташкилоти котиблари иштирок этдилар.

***

Ўзбекистон ХДП Пахтаобод туман кенгаши ҳузуридаги «Ёшлар клуби» ташкилотчилари тумандаги «Холис» ҳиссадорлик жамиятида, «Ёшларнинг сиёсий ва ҳуқуқий билимларини ошириш йўллари» мавзуида, давра суҳбати ўтказилди. Унда уч юзга яқин ёшлар иштирок этишди.

■ **Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**



■ Турғунбек МАҲКАМОВ олган суратлар

СЎЗЛАШУВ

ҚОНУН БИЛАН ХАЛҚ ИЧИГА КИРАЙЛИК

— ДЕЙДИ БЕКОБОД ШАҲАР СУДИ РАИСИ АБДУРАҲИМ ТУРҒУНОВ

— Абдураҳим ака, мамлакат қудратини, юксалиш бўй-бастини иш юритаётган тадбиркорлар белгилаётганлиги сир эмас. Ўз ўрнида Бекобод шаҳрида ҳам суд томонидан тадбиркорлар билан бевосита алоқада бўлиш учун шароит яратилган бўлса керак. Хўш, айтингчи, қонунбузарлик ҳолатларини аниқлаш, қолаверса, бундай ҳолатлар юз бермаслиги учун қандай чора-тадбирлар кўряпсизлар?

— Бугун суд идораларида тадбиркорлар билан ишлашга тўла асос бор. Чунки парламентимиз томонидан қисқа муддатда тадбиркорлик фаолиятига оид амалдаги қонунлар, ҳукумат қарорлари, идоравий-меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш орқали бу борада зарур ҳуқуқий пойдевор яратилди. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича Республика мувофиқлаштирувчи кенгаш фаолиятини фаоллаштириш тўғрисида»ги қарори тадбиркорлик билан шуғулланувчилар учун дастурилмал бўлди. Ана шу қарор асосида Бекобод шаҳар ҳокимлигида ҳам «Кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш» бўлими ташкил этилди. Тадбиркорлар билан тўғридан-тўғри мулоқотлар қилинмоқда. Ҳозирги кунда мулк эгалари ҳуқуқларини, уларнинг қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаатларини ҳимоя қилишга киришдик.

Айтиш жоизки, тадбиркор ва хусусий мулкдорлар билан ишлаш ҳозирданоқ ўз самарасини бераяпти. Энг аввало, улар ўз ҳақ-ҳуқуқини тушуниб етаётган бўлса, иккинчидан, ташқаридан туриб улар ишига аралашувлар, ҳуда-беҳуда текширувларга чек қўйилди. Бу эса ишбилармонларнинг янада кўп ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришига, эл маъмурчилигини таъминлашига кенг йўл очмоқда.

Барча хўжалик юритувчи субъектларни текширишларни рўйхатга олиш китоби билан таъминладик ва уни бевосита амалга киритдик.

Эндиликда бирорта ҳам назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза этувчи идора ходими тадбиркорга нисбатан бўлар-бўлмас зўравонлик ёки вақтини олишга уринолмайди. Чунки у ўз қўли билан содир этилаётган ашаддий қонунбузарлик изларини китобда қолдириб, ўз ноқонуний ҳаракатини ўз қўли билан ошкор қилиб қўйиши мумкин.

— Тадбиркорлик фаолиятига доир бир нечта қонунлар яратилди. Тажрибангиздан келиб чиққан ҳолда айтингчи, қабул қилинган мана шу қонунларимиз жамиятдаги ривожланишни ўзида қанчалик акс эттиряпти?

— Ҳақиқатда ҳам «Тадбиркорлик фаолияти», «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш», «Ташқи иқтисодий фаолият» тўғрисидаги қонунлар аввало кўп жойларда бозор иқтисодиётини, унинг асл моҳиятини, шарт ва талаблари, маъно ва мазмунини англамай туриб, давлат мулкини шунчаки номига, расмиятчилик учунгина хусусий мулкка айлантириш ҳолларига чек қўйди. Муҳими, иқтисодиётни эркинлаштириш, хусусий мулкни ҳимоя этиш ва тадбиркорликни ривожлантириш ҳақида қабул қилинган бу қонунлар Бекобод шаҳридаги иқтисодий ислоҳотларни сифат жиҳатидан юқори босқичга кўтарди. Ҳар бир ишбилармон ва тадбиркор учун кенг имкониятлар очяпти. Маъмурий-буйруқбозлик тўсиқларини қўпориб ташлаяпти. Президентимиз айтганларидай, қонунлар жамиятни бошқариши керак. Ахир ўшандагина демократик одил жамият қурилган бўлади-да. Шу жиҳатдан тадбиркорларга ноқонуний текширишлар натижасида етказилган моддий ва маънавий зарарни ҳам айбдор шахслар чўнтагидан ундириш амалиётини қўллаяпмиз.

— Суд фақат жазоловчи орган бўлиб қолмасин, деб таъкидлаган эдилар Президентимиз. Айтингчи, судьянинг вазифаси фақат суд амалиётини юритишми?

–Мамлакатимизда тинчлик ва осойишталик барқарор экан, республика раҳбариятининг, ҳуқуқ-тартибот ходимларининг кўнгли тинч бўлади. Шу боисдан бизнинг олдимизда турган энг долзарб муаммо бу республикамизда ҳуқуқий демократик давлат барпо этиб, ўзимиздан қоладиган авлод шуурига ўз юртимизнинг хўжайини эканлигини, шу қуёшли диёрнинг келажаги ўзларига боғлиқлигини яна-да чуқурроқ сингдириш, уларда Конституциямиздан фахрланиш, уни эъзозлаш ҳисларини ривожлантиришдир. Конституция ва қонун устуворлиги дейилганда давлат ва унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўриши, барчанинг қонунга сўзсиз бўйсуниши кўзда тутилади. Ҳуқуқий давлатни барпо этиш Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқаросига Ватан туйғусини саждагоҳдай муқаддас ва улуғ тутишни тақозо этади. Ўзбекистон Конституциясида Ватанга муҳаббат туйғуси илоҳий неъмат эканлиги алоҳида таъкидланган. Ватан сўзини Она сўзи билан ёнма-ён ёзишнинг боиси ҳам шунда. Аввал — Ватан, кейин — жон, дейдилар-ку!

■ **«Ўзбекистон овози» мухбири Маъмуржон ҚИЁМОВ суҳбатлашди.**

«НАРЗИЯ»: САНОАТ ҚИШЛОҚҚА КИРИБ БОРДИ

Мамлакатимиз истиқлолга эришгач, Юртбошимиз ва ҳукуматимиз хусусий мулк шаклларини кучайтиришга катта эътибор қаратди. Оққан дарё оқаверади, деганларидек ўтган тўққиз йил ичида Самарқанд шаҳрида тадбиркорлар, ишбилармонлар, турли ҳунармандлар қадимий анъаналарни тиклай бошлашди. Аминжон Раҳимов ҳам ана шундай тадбиркорлардан. У бундан қарийб етти йил муқаддам савдо-тижорат фирмасини ташкил этган эди. Унга меҳрибон онаси Нарзия холанинг номини қўйганди. Ўшандан буён аслида фақат тижоратчилик билан шуғулланиш мақсадида ташкил этилган фирма гуркираб ривожланди. Аминжон тадбиркор инсон эмасми, бу ерда саноатни ривожлантиришга ҳаракат қилди. Яъни, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариб халққа етказиб бериш унинг олий мақсадига айланди.

Қисқа фурсатда, бор-йўғи 250 киши меҳнат қиладиган кичкинагина фирма улкан ишлаб чиқариш мажмуи — яъни, «Нарзия» концернига айланди. «Нарзия» савдо ишлаб чиқариш тижорат концерни таркибига «Тамаки», «Духоба», «Петролеум-2000» хусусий ишлаб чиқариш фирмалари киради. «Нарзия» концерни қатор қўшма корхоналарнинг муассисидир. Масалан, «Сингапур — Самарқанд» қўшма корхонасининг низомий жамғармасида концернинг 15 фоиз, «Самжинтекс» қўшма корхонаси низом жамғармасида 49 фоиз улуши бор.



1

«Нарзия» концерни Тошкент шаҳридаги «Трастбанк»нинг 50 миллион сўмлик акциялари пакетини ўз қўлида ушлаб турибди. Самарқанддаги «Ҳужум» акциядорлик жамиятининг 55 фоиз акцияларини сотиб олган.

Кейинги йилларда концерн фаолияти янада такомиллашиб борди. Масалан, концернга қарашли «Самжинтекс» қўшма корхонасини олайлик. Бу корхона Жомбой туманида қисқа муддатда қуриб битказилди ва фойдаланишга топширилди. Аслини олганда ушбу қўшма корхонанинг қишлоқда бунёд этилганлиги кўпчиликни қувонтирди. Зеро, қишлоқларда иш тополмай юрган қанча-қанча ёшлар фойдали меҳнат билан шуғулланиш бошлади. Улар қисқа муддатда ҳунар эгаси бўлишди. Корхона ишчиларининг 90 фоизини қишлоқ ёшлари ташкил этаётганлиги қувончлидир. Куни кеча фақат пахта териш-у сигир соғишни эплайдиган аёллардан 500 киши энди тўқувчилик касбининг нозик сирларини эгаллаб олишди.

Қўшма корхонада бўлганимизда буни ўз кўзимиз билан кўриб қувондик. «Нарзия» концерни бошқаруви раиси Эмма Кастамирова ва унинг молия-иқтисод масалалари бўйича ўринбосари Зафар Узоқов билан цехларни айланганимизда ҳақиқий қудратли корхона бунёд этилганлигига ишонч ҳосил қилдик.

— Қўшма корхонамиз йилига 2-2,5 минг тонна пахта толасини қайта ишлайди,— деди биз билан суҳбатда цех бошлиғи Афанасий Хан. — Италия, Германия ва бошқа давлатлардан келтирилган қудратли дастгоҳлар ёрдамида кўплаб калава ишлаб чиқаришга эришяпмиз. «Самжинтекс» қўшма корхонаси шу йилнинг январь-август ойлари ичида 575,6 тонна пахта толасини қайта ишлади. 568,2 тонна калава ип йигирилди, 524,3 тонна трикотаж материаллари ишлаб чиқарилди.

Қўшма корхонанинг тикув цехида асосан ёш қиз-жувонлар меҳнат қилишар экан. Улар дастгоҳларни, тикув машиналарини чаққонлик билан бошқаришаётир. Шу боис ҳам эришилган натижалар ёмон эмас. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 42,1 фоиз ўсишга эришилди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга бўлган талаб тобора ошиб бормоқда. 415,8 миллион сўмлик тайёр кийим-кечаклар халқимизга етказиб берилди.

Шу йилнинг ўзида янги иш ўринлари ташкил этилди. Натижада яна 76 киши иш билан таъминланди. Ўртача ойлик иш ҳақи эса 13-15 минг сўмдан ошди. Яна бир қувончли томони шундаки, 27,8 тонна трикотаж маҳсулотлари яқин хориж мамлакатларига сотилиб, 42,1 минг АҚШ доллари миқдорида валюта ишланди. Товар-хомашё биржаси орқали 634,6 минг дона тайёр маҳсулотлар 183 миллион сўмга сотилди.

2

Эсингизда бўлса, Самарқанддаги «Ҳужум» пиллакашлик фабрикаси авваллари жуда машҳур эди. Кўпгина ташаббуслар худди шу ердан ҳаётга йўл оларди. Афсуски, эътиборсизлик, айрим раҳбарларнинг уқувсизлиги оқибатида бу корхона инқирозга юз тутганди. Ана шундай оғир паллада корхонага «Нарзия» концерни ёрдамга келди. Яъни, «Нарзия»нинг бошқарув раиси ўринбосари Абдуҳалим Камолов «Ҳужум» акциядорлик жамиятининг раиси этиб сайланди. Акцияларнинг 55 фоизини «Нарзия» концерни сотиб олди. Тажрибали мутахассис ишни аввалам-бор одамларни моддий рағбатлантиришдан бошлади. Ишчи-хизматчиларга дастлабки 13-ойлик пуллари тарқатилганда одамлар ҳайрон бўлишди. Ахир ишчилар 7 йилдан буён 13-ойлик нималигини билишмасди-да. Яна бир гап. Авваллари кўпгина пилла маҳсулотлари Самарқанддан четга чиқиб кетарди. Ана шунинг олдини олиш учун «Нарзия» концерни 100 миллион сўм миқдорида молиявий ёрдам кўрсатди. Маблағ бўлганлиги сабабли 400 тонна пилла хомашёси тайёрлаб қўйилди.

3

Айни пайтда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, «Ҳужум» акциядорлик жамиятида эришилаётган ютуқлар хорижий мамлакатларда ҳам тан олинмоқда. Масалан, корхонадагиларнинг ишлаб чиқарган маҳсулотлари Европа Арки мукофотига сазовор бўлди. Ушбу халқаро соврин маҳсулотнинг юксак сифати ва тадбиркорлик учун берилади. Бундан ташқари «Платинали юлдуз» ҳамда тадбиркорликда эришилган юксак натижа учун соврини ҳам топшириладиган бўлди.

4

Ушбу корхона шу йилнинг саккиз ойи ичида барча кўрсаткичлар бўйича режаларни ортиғи билан бажарди. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми жиҳатидан ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қарийб икки баробар ўсишга эришилди. Яъни, шу давр ичида 43 тонна ипак ип тайёрланди.

Маълумки, ушбу фабрика асримизнинг дастлабки йилларида ишга туширилган қадимий корхонадир. Ҳозир ишлатилаётган барча дастгоҳлар эскириб қолди. Ишчилар барча жараёнларни қўл кучи билан бажаришларига тўғри келяпти. Дастгоҳлар ҳозирги замон талабларига жавоб бермайди. Шу боис ҳам акциядорлар корхонада таъмирлаш ишларини амалга оширишмоқчи. Бунинг учун аввалам-бор каттагина маблағ зарур. Корхона раҳбарининг айтишича, 2001 йилда «Эксимбанк» орқали хорижда ишлаб чиқарилган асбоб-ускуналар ва дастгоҳларни сотиб олиш учун 1 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит олиш кўзда тутилмоқда.

«Духоба» хусусий савдо ишлаб чиқариш фирмасида қилинаётган ишлар ҳам таҳсинга сазовордир. Мазкур йилда 250 минг погонметр духоба ишлаб чиқарилди. 189,4 минг жуфт пайпоқ, 1023 дона миллий

МИЛЛАТ ВА МАТБУОТ

ОЙДИНЛИК

Миллий матбуотимиз истиқлол туфайли даврнинг «кўз-қулоғи», кўпчиликнинг минбари бўлиб қолди. Юртимизда бўлаётган буюк ўзгаришлар, янгиликлар, фидойи халқимизнинг интилишию ташаббусини тараннум этяапти. Истиқлолимизни, ўзлигимизни, тарихимизни, қувончимизни улуғлаяпти. Маънавият-маърифатни, эзгулик ва яхшиликни, яратувчиликни тарғиб қилаяпти миллий матбуотимиз. Барчамизнинг сиёсий-ҳуқуқий эркинлигимиз рўёбга чиқишида кўмаклашяпти. Сизу бизни сўз қудрати-ла фидойиликка чорлаяпти. Дўсту душман ким эканлигини билдириб, ҳушёрликка, огоҳликка чақиряпти.

Фуқаролар матбуот нашрларига муаммоларини ҳал этишда ёрдам беришини сўраб мурожаат қиляптилар. У ёки бу воқеаларга муносабатларини билдиряптилар. Турли саволларига газеталар орқали жавоблар топаяптилар. Газеталар бамисоли уларнинг суянч тоғлари. Юртбошимиз Ислом Каримов таърифи билан айтганда: «Оммавий ахборот воситалари жамиятимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий, маънавий, руҳий ўзгаришларни, демократик тамойилларни шакллантиришдек улуғвор ишларнинг фаол иштирокчисига, одамларни эркин фикрлашга ва маънавий уйғоқликка даъват этадиган доимий ҳамроҳга айланмоқда».

Оммавий ахборот воситалари олдига қўйилган юксак ва масъулиятли вазифалар ҳар бир ижодий жамоани ғайрат-шижоат-ла изланишга ундайди. Халққа ҳамнафас бўлишдек хайрли ишга бел боғлашга куч-қудрат беради. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ҳамкорлигида жойларда «Партия матбуоти кунлари»ни ўтказиш ҳам яхши ният рамзидир.

Тадбирлар Жалолқудуқ туманидаги «Ёрқишлоқ» ширкат хўжалиги деҳқонлари пахта тайёрлаш шартнома режасини бажарган зафарли кунга тўғри келди. Хўжалик пахтакорлари йиллик режани 15 иш кунида 110 фоиздан оширдилар. 467 гектар пахтазорнинг ҳар гектаридан 34,5 центнердан жами 1610 тоннадан зиёд ҳосилнинг ҳаммасини юқори навларга топширдилар.

— Шундай кунда меҳмонларнинг ташрифидан хурсандмиз, — дея дил сўзларини билдирди «Ёрқишлоқ» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Юсуфжон Сотволдиев тадбир иштирокчиси бўлган фаолларни дала шийпонидаги катта сўрига таклиф этар экан.

Раис кўпчиликнинг кўнглидагини айтди. Бу кун деҳқонлар тўйига айланди. Жалолқудуқ тумани ҳокими М. Эгамова тадбирни табрик сўзи билан очди. Илғорларга мукофотлар топширди. Вилоят ҳокимининг ўринбосари Р.Тиллабоев ғолиб пахтакорларни зафар билан қутлади. Эзгу-тилаклар билдирди. Республика прокуратурасининг бўлим бошлиғи Норбой Бобоев огоҳлик, фидойилик ҳақида мулоҳазаларини баён этди.

Меҳнат муваффақиятлари, дилкаш суҳбатлар кўнгилларга ҳузур бахш этади. Кенг даврада қўшиқлар янграб, шеърхонлик, ўйин-кулги авж олди. «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталарининг Бош муҳаррири пахтакорларни меҳнат ғалабаси билан табриклаб, газеталар таҳририяти томонидан амалга оширилаётган ижодий режалар хусусида қизғин сўзлади.

«Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» газеталари деҳқончиликдаги «Андижон усули»ни мамлакатга ёйишга алоҳида эътибор қаратганлар. Вилоятдаги ибратли ишлар ушбу газеталар саҳифаларида мунтазам ёритиляпти.

Ширинсўз, меҳнат кувончи кўнгилларни тўлқинлантириб, чақириққа амалий жавоб беришга ундади. «Ёрқишлоқ» ширкат хўжалиги раиси ўринбосари, ЎзХДП бошланғич ташкилоти котиби А. Маҳмудов сўз олиб, бошқарув ҳайъатининг қарорига кўра ишлаб чиқариш илғорларидан 20 киши хўжалик маблағи ҳисобидан «Ўзбекистон овози» газетасига 2001 йил учун тўла обуна қилинишини эълон қилди. Буни яхши томони шундаки, келгуси йил давомида «Ўзбекистон овози» 20 хонадонга маънавий-маърифий, сиёсий-иқтисодий ва турли янгиликларни етказади. Яқин ҳамроҳ, суҳбатдош бўлиб қолади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши котиби А. Рустамов партия фаолияти ҳақида гапирди ҳамда «Ёрқишлоқ» ширкат хўжалигининг илғор бригада бошлиғи Исроилжон Ўринбоевга ЎзХДП аъзолиги билетини тантанали топширди.

Дала шийпонидаги тантанали тадбир кўпчиликнинг қувончига қувонч қўшди.

Кечга бориб «Ёрқишлоқ»да бошланган тадбир Бўз туманидаги Бобур номли ширкат хўжалигига кўчди. У ерда ҳам маҳалла аҳли, деҳқонлар, ёшлар ҳозир бўлдилар, юрақдаги сўзлар айтилди. Ўзбекистон халқ шоири Т. Низом, шоир Ҳумоюн шеърлар ўқидилар. Ҳароратли мисралар қалбларга қуйилди.

... Бу элнинг мақсади — армонлари мўл,
Тоза виждон янглиғ хирмонлари мўл.
Пахталари мўлдир, ҳам донлари мўл,
Баркаш ойга монанд оқ нонлари мўл,
Андижонга келинг, жон Андижонга!..

Бобур ўтган ерга гар сиғинсангиз,
Нодира шеърини сиз соғинсангиз,
Оташин Чўлпонни агар билсангиз,
Тўлан Низомни ҳам кўзга илсангиз —
Андижонга келинг, жон Андижонга!..

Ёзувчи Муқимжон Ниёзовнинг ҳаётий ҳикоялари иштирокчилар эътиборига сазовор бўлди.

— Бу йил туманимизда катта бир шодиёнага ҳозирлик кўраяпмиз, — деди Бобур номли ширкат хўжалиги раисининг ўринбосари, ЎзХДП бошланғич ташкилоти котибаси М. Эсонова. — Шу тадбир муносабати билан илғор пахтакорларимиздан 50 нафарини «Ўзбекистон овози» газетасига мукофот тарзида обуна қиламиз.

— Бугунги учрашувдан кўнглимиз яйради, — дейди ширкат хўжалик ҳосилоти Тошпўлат Арабов билан ҳашарчи-теримчи Андижон давлат университетининг талабаси Наргиза Йўлдошева. — Бундай тадбирлар тез-тез ташкил этилса айни муддаодир. Биз кабилар учун шундай учрашувлар маънавий сабоқ бўлади.

Меҳмонларнинг ташрифи туфайли хурсандлик хурсандчиликка уланди. А.Бакиров номли Андижон ёшлар театрининг актёри В. Рўзиматовнинг ичакузди аскиялари, Б.Сатторов, А. Турдиев, Қ. Шарипов, И. Абдуғаффорова, М. Исроиловаларнинг қўшиқ ва рақслари ором бахш этди. Бўзлик бир сўзлик меҳнаткашларнинг ҳам ғалаба манзилига етишларига саноқли кунлар қолди.

— Шоиру давронларни, партия фаолларини туманимизга қадам ранжида қилганидан, юртдошларимиз билан дилкаш суҳбатлар қурганидан қувонамиз, — дея сўз юритди Бўз тумани ҳокими Жўрабек Ўринбоев. — Ҳамкорлигимиз янада мустаҳкамланиши мақсадида келгуси йил учун «Ўзбекистон овози» газетасига минг кишини обуна бўлишини таъминлаймиз. Бу газета кўпчиликнинг доимий ҳамроҳига, қадрдон суҳбатдошига айланишига аминман.

Бир сўз билан айтганда, ушбу тадбир газеталар таҳририятлари ижодкорларининг ва партия фаолларининг омма билан алоқасини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этди. Бу тадбирда Андижон вилояти ҳокимининг ўринбосари Р. Тиллабоев, ЎзХДП Марказий Кенгаши котиби А.Рустамов, «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» газеталари Бош муҳаррири Азим Суюн, ЎзХДП Андижон вилояти кенгашининг биринчи котиби С.Раҳимовлар қатнашди.

***

Ўзбекистон ХДП матбуот нашрлари куни Фарғона вилоятида ҳам кўтаринки кайфиятда, ишчанлик вазиятида ўтди. Фарғона шаҳридаги академик лицей биносида бўлиб ўтган учрашувда шаҳардаги ХДП фаоллари, тадбиркорлар, йирик саноат, ишлаб чиқариш корхоналари раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари, шоирлар, санъаткорлар иштирок этишди. «Ўзбекистон овози» ҳамда «Голос Узбекистана» газеталари Бош муҳаррири ўзи раҳбарлик қилаётган газеталар фаолияти, уларнинг бугунги кундаги изланишлари ҳақида йиғилганларга сўзлаб берди. Учрашувда сўзга чиққан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Йўлдош Сулаймон, «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори ўринбосари А.Мадғозиев, вилоят тадбиркорлари Касаба уюшмаси раиси М. Латипов, таниқли шоир Охунжон Ҳаким ва бошқалар ХДП нашрлари хусусида ўз фикрларини билдирдилар. Бу нашрларни қўллаб-қувватлаш юзасидан истак ва таклифларини ўртага ташладилар. Учрашувда шоиралар Малика Мирзаева, Матлуба Аҳмедова, лицейнинг ҳаваскор шоирлари ўз шеърларидан ўқишди. Фарғонанинг хушовоз хонандалари дилрабо қўшиқлар куйлаб, учрашувга файз киритдилар.

Олтиариқ ва Қува туманларида бўлиб ўтган ана шундай газетхонлар билан юзма-юз суҳбатлар ҳам мароқли, сермазмун, жонли мулоқот тарзида ўтди. Қува тумани марказидаги учрашувда тумандаги барча корхона, ташкилот, муассасалар раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари қатнашишди. Туман халқ таълими бўлими мудири М. Расулов, «Маънавият ва маърифат» туман кенгаши масъул котиби С.Деҳқонов, ЎзХДП туман кенгаши «Тонг нури» газетаси муҳаррири Ҳ. Нуриддинов, Қува тумани почта идораси бошлиғи Ҳ.Имомов, туман ҳокими М. Носиров ва бошқалар «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, 2001 йил обунасида юртдошларни фаол қатнашишга даъват этдилар, ўзлари раҳбарлик қилаётган идораларда бу газеталар обунаси юқори даражада бўлиши ҳақидаги ваъдаларини бердилар. Бу ерда ҳам учрашув шеърият байрамига айланиб кетди. Й.Сулаймон, О.Ҳаким, А.Суюн, М.Деҳқон қизи, М. Мирзаева, Ҳ. Ҳайдарова ва бошқа шоирлар ўз янги шеърларидан ўқиб, йиғилганларни хушнуд этишди. Санъаткорлар чиройли куй ва рақслар ижро этдилар. Қўшиқлар қўшиқларга уланди.

Бир сўз билан айтганда, Фарғонадаги партия матбуоти кунлари юзлаб кишилар қатнашган байрам тусига кирди. Муштарийлар севимли нашрлари хусусидаги ўз мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар, улар фаолиятини янада яхшилаш юзасидан таклифлар киритдилар.

Учрашувларда Фарғона вилоят ҳокими ўринбосари М.Ғафуров, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши котиби А.Рустамов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Й. Сулаймонов, Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгашининг биринчи котиби А. Эгамбердиевлар қатнашишди. Вилоят ҳокимининг ўринбосари М.Ғафуров 2001 йил обуна мавсумида партия нашрлари ҳам ўз муштарийлари сонини янада кўпайтиришлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё эканлиги, зеро бу нашрлар ўз саҳифаларида мустақил мамлакатимизда рўй бераётган улкан ижобий ўзгаришларни, Юртбошимиз олиб бораётган ташқи ва ички сиёсат Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини оширишга хизмат қилаётганлигини ёрқин, ҳаққоний, чуқур мазмунли мақолалар, очерк ва лавҳаларда ёритиб бераётганлигини таъкидлади.

■ **Аҳмадулло СОЛИЕВ,**
Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

НАГАНОДА ЎЗБЕК ФЕСТИВАЛИ

Японияниг Нагано шаҳрида Ўзбекистон маданияти ва санъати фестивали бўлиб ўтди. Мамлакатимизнинг Японияда элчихонаси ва Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамкорликда ташкил этган бу тадбир уч кун давом этди. Фестивал давомида улкан мониторларда Ўзбекистон ҳақидаги ҳужжатли фильмлар намойиш этилди, ўзбек куй ва қўшиқлари янграб турди. Юртимизда кенг нишонланаётган Мустақиллик ва Наврўз байрамлари тўғрисидаги фильмлар томошабинларда айниқса катта қизиқиш уйғотди. Анжуман давомида Ўзбекистон—Япония дўстлигига бағишланган спорт мусобақаси ҳам ўтказилди.

Японялик санъат мухлисларида Ўзбекистон халқ рассоми Собир Раҳметов, Ўзбекистон Бадиий академияси академиги Леким Иброҳимов, Ўзбекистон санъат арбоби Ортиқали Қозоқов, қорақалпоғистонлик мўйқалам устаси Бозорбой Серикеевнинг турли жанр ва мавзудаги рангбаранг асарлари, ёғоч ўймакорлиги ва каштачилик буюмлари, шунингдек, моҳир суратқаш Абдуғани Жумаевнинг юртимиз бунёдкорлиги акс эттирилган фотосуратлари катта таассурот қолдирди.



МУЗОКАРАЛАРГА ОЗ ҚОЛДИ

27 сентябрь куни Нью-Йоркда АҚШ ҳамда Шимолий Корея расмий вакиллари ўртасида навбатдаги музокара бошланади.

Учрашув бошланишига оз вақт қолган эса-да, томонлар ҳамон бир-бирига талаблар қўйишдан тўхтагани йўқ. АҚШ КХДРдан ракета дастурини тўхтатишни, расмий Пхеньян Оқ уйдан Шимолий Кореяни террорчиларни қўллаб-қувватловчи давлатлар рўйхатидан ўчиришни талаб қилмоқда. Зотан, бўлажак музокараларда ҳам асосан шу масалалар муҳокама қилиниши керак.

УМИДЛИ ДУНЁ

Асримизнинг сўнгги олимпиадаси қизин паллага кириб бормоқда. Аёнки бундай йирик анжуман байроғи оппоқ. Бунинг боиси поклик, ҳалоллик ва холислик рамзи эканидан. Ҳали ҳеч бир олимпиадада бунчалик меҳмон бўлмаган экан. Сиднейга оз эмас кўп эмас 138 минг турист ташриф буюрган. Яна 10,8 минг спортчи, 5 минг расмий вакил, 17 минг журналист фаолият кўрсатмоқда. Қизиғи шундаки, Атланта олимпиадасида борйўғи 5 минг журналист бўлган. Халқаро олимпиада қўмитасининг президенти Антонио Самаранчнинг қойил қолгани бу сафарги олимпиадада 47 минг кўнгилли киши холис хизмат кўрсатаётганидир. Шу кунлар мобайнида 43 мамлакат спортчилари совриндорликка эришди. Ҳозирча АҚШ жамоаси ҳисобида 7 та олтин, 6 та кумуш, 5 та бронза медали бор. Мезбонлар — Австралия спортчилари 17 та медалли бўлишди. Яна Хитой, Франция, Япония жамоалари ҳам бу борада етакчилик қилишмоқда.

Олимпиадада учинчи марта иштирок этаётган Ватанимиз ўғил-қизлари ҳам умид ва ишонч билан совриндор бўлиш йўлида ҳаракат қилмоқдалар. Боксчиларимиздан Алишер Раҳимов, Тўлқин Турғуновлар ҳозирча курашни давом эттиришмоқда. Зеро, жаҳон чемпиони Ўткирбек Ҳайдаров, иқтидорли боксчилар Тўлқин Турғунов, Дилшод Ёрбеков ва Дилшод Йўлдошевлар қизин ва муросасиз баҳсда имкониятни бой беришга мажбур бўлишди. Мерган Дилшод Мухторов 50 метрли масофадан тўппонча билан нишонга олишда бор-йўғи бронза медалига ярим очко етмай қолиб, 5-ўрин билан қаноатланди. Сузувчи, гимнастикачи ва дзюдочиларимиз ҳам имкон қадар маҳорат кўрсатишмоқда. Мухлислар эса эрта-индин майдонга тушадиган эркин ва юнонрум курашчилари, эшкак эшувчилар ҳамда трамплин баҳсларида иштирок этувчи вакилларимизга умид боғлашмоқда. Ўйлаймизки, бир гуруҳ спортчиларимиз юртларига ёруғ юз билан қайтадилар.

■ **Ҳайдар НОСИРОВ**

ИСЛОҲОТ ВА МАСЪУЛИЯТ

кўрпачалар тайёрланди. Хусусийлаштирилган «Тамаки» савдо ишлаб чиқариш фирмасида бугунги кунда ривожланиш сари дадил одим ташланяпти. Шу йилнинг ўтган саккиз ойи ичида 3,24 минг тонна тамаки ферментланди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан анча юқори кўрсаткич. «Петролеум-2000» хусусийлаштирилган ишлаб чиқариш фирмасида қилинаётган ишлар ҳам таҳсинга сазовор. Ўтган саккиз ой ичида 109 миллион сўмлик маҳсулот сотилганлиги қувончлидир.

«Нарзия» концерни барча солиқларни ўз вақтида тўлаш қобилиятига эга. Масалан, саккиз ой ичида давлат бюджетига 258 миллион сўм маблағ тўланди. Концерннинг соф даромади 36 миллион сўмни ташкил этди.

Концерндагилар кўпгина хайрия тадбирларини ҳам амалга оширишди. Умуман йил бошидан буён турли ташкилотларга саккиз миллион сўмлик ҳомийлик ёрдамлари кўрсатилганлиги қувончлидир. Бундан ташқари концерннинг тўрт мингдан зиёд ишчи-хизматчилари ҳам манфаатдор бўлишмоқда.

— Бизнинг корхоналаримиз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда тадбиркорлар фаолиятини такомиллаштириш тўғрисидаги қарорларини амалга ошириш учун астойдил ҳаракат қилишмоқда, — дейди «Нарзия» концерни бошқарувининг раиси Эмма Кастамирова. — Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга ҳуқуқий ва ташкилий шароитлар яратиб бериш ҳақидаги қарори эълон қилинганидан жуда хурсанд бўлдик. Чунки кўпгина тадбиркорлар ўз ҳуқуқларини яхши билмайдилар. Айниқса, текширувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши тузилганлиги биз учун қувончли ҳолдир. Ана шу қарор туфайли шу йилнинг ўзидаёқ бир қанча асосланмаган текширувларни бартараф этишга муваффақ бўлдик.

Лекин турли текширувлар, асаббузарликларга қарамай, корхонада ишлаб чиқариш жараёнлари ривожланиб боряпти. Улар ҳам иқтисодий, ҳам маънавий жиҳатдан ўсиб боришаётир. «Нарзия»дагилар келажакка умид билан қарамоқдалар. Улар туманларда кўплаб корхоналар очиб, қишлоқдаги йигит-қизларни иш билан таъминлашни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйишган. Биз уларга қарата ниятингиз йўлдошингиз бўлсин, деймиз.

■ **Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,**
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

5

ТОВОН ХУСУСИДА КЕЛИШИБ ОЛИНДИ

Қўшма Штатлар Югославия пойтахти Белграддаги Хитой элчихонаси биносини НАТО самолётлари томонидан шу йил май ойида вайрон этилгани учун Хитойга 28 миллион доллар миқдорида товон тўлашга розилик билдирди. Америкаликлар Хитой элчихонасининг вайрон этилишини учувчиларнинг эски хариталардан фойдаланганлигидадир деб изоҳлашмоқда. Уч нафар ўлдирилган ва ўнлаб ярадор қилинган одамлар учун аввал тўланган 4,5 миллион доллар товонга яна қўшимча сифатида 28 миллион доллар товон тўланди. Косово-даги уруш пайтида Хитой элчихонасининг вайрон этилиши Пекин ва Вашингтон ўртасидаги муносабатларни ёмонлашувига олиб келган эди.

КОРРУПЦИЯДА АЙБЛАНИБ

Германия парламенти собиқ канцлер Гелмут Колни коррупцияда айблаш юзасидан текширишни бошлади. Кол христиан демократларнинг раҳбари бўлиб ишлаган пайтда сиёсий дотациялар учун банк махфий ҳисоб рақамлари очганлигини тан олди. Жазо чораларини қўллаш бўйича парламент чекланган ваколатга эга. Аммо журналистларнинг сўзига қараганда, бу иш христиан демократлар ўртасида жиддий тўс-тўполонларга олиб келиши мумкин. Г.Колни жиноятга қўл уришда айблаб айбнома эълон қилиниш ёки қилинмаслигини прокуратура ҳал қилади.

Голландия манзаралари.

■ Владимир ПАНОВ олган сурат

ЖИНОЯТ ИЗИДАН

Олтинчи сентябрь куни Ғарбий Тиморда БМТнинг уч нафар ходими ўлдирилган эди. Индонезия ҳукумати бу ишда Австралия томонини айблади. Мамлакат мудофаа вазири Махфуд Маҳмуднинг айтишича, Индонезия ҳарбийлари ушбу жиноятда Австралия махсус хизматининг қўли борлигини тасдиқловчи маълумотларга эга.

ОЛМОС ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР АНЖУМАНИ

Преторияда олмос ишлаб чиқарувчиларнинг халқаро анжумани бошланди. Африка мамлакатларида кечаётган фуқаролар урушларининг айримлари ана шу соҳадан келаётган даромад эвазига молиявий таъминланаётгани сир эмас. Шуни инобатга олиб, анжуман қатнашчилари олмоснинг ғайриқонуний савдоси ва контрабандасига қарши кураш масалаларини муҳокама қилмоқда.

ЖАНГОВАР ОПЕРАЦИЯ ЎТКАЗМОҚДА

Филиппин ҳукумат қўшинлари бир неча кундан буён Холо оролида тутқунда сақланаётган хорижий сайёҳларни қутқариш ва уларни ушлаб турган террорчиларни бутунлай қириб ташлашга қаратилган жанговар операция ўтказмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар натижасида куни кеча «Абу Сайёф» айирмачилар гуруҳи чекиниб, жойини ўзгартиришга мажбур бўлди.

ЕВРО БАҲОСИ

Европа Марказий банки евронинг АҚШ долларига нисбатан янги қийматини белгилади. Бир евро 0,8526 долларга тенг бўлди. Ўтган савдода бу кўрсаткич 0,8615 долларни ташкил қилган эди.

■ **(ЎзА)**

Тошкент қишлоқ хўжалиги институти томонидан Икромжон Султонович Турсунов номига 1979 йилда берилган Д-1 №393573 рақамли олий маълумот ҳақидаги диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Иккинчи Тошкент Давлат медицина институти қошидаги медицина лицейи томонидан Шеква Межган номига 1998 йилда берилган 039698 рақамли ўрта маълумот ҳақидаги аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ЮРГАН—ДАРЁ

ЖАҲОНГАШТА ИЛДАМЛАМОҚДА

Инсон табиати қизиқ. Кимдир кенгликни, тоғу тошларни, ошиққан дарёларни, қоқаверса, боғ-роғларни қўмсаса, бошқа биров кимсасиз уйда, сокинликда сукунатга қулоқ солишни хуш кўради. Зеро, Мурод Қосимов юришни, юрганда ҳам уловда юришни ёқтирадиганлардан. У икки йил аввал жаҳон бўйлаб велосипедда сафарга чиққанди. Кўп мамлакатлар, шаҳар-қишлоқлар, дарё-кўллар ошди. Юрган йўлида истиқлол, юртимиз ҳақида ҳикоялар қилди. Мана энди жаҳонгашта бу инсон яна йўлда. У мустақиллик байрами арафасида пойтахтнинг Мирзо Улуғбек номли истироҳат боғидан йўл бошлаганди. Буюк Ипак йўли бўйлаб сафарини давом эттираётган саёҳатчи байрамни Бекобод шаҳрида қаршилади. Орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас, Қўқондан уйига телефон қилиб, ҳаммаси жойида эканини маълум қилди. Наманганни айланиб, Чуст ҳокими қабулида бўлди, Жойларда мухлислар саёҳатчини муносиб қаршилашмоқда. Маҳаллий телевидениеда кўрсатилиб, газеталарда хабарлар босилмоқда. Унинг нияти катта саёҳатини мустақилликнинг 10 йиллигига бағишлашдан иборат.

■ **Иқбол ЭШОНҚУЛОВА,**
«Қаламкаш» тингловчиси

Унга Санъат деган исмни бежиз бермадилар чоғи. Ота-она қайсидир хусусиятини илғаган бўлсалар керакки, унинг келажагига умид ва ишонч билан ном қўйдилар. Шундай кун келди. Қизалоқ Санъат Маҳмудова деган номда Ўзбекистонга танилди. Унгача барча тенгқурлари янглиғ мактабни, сўнг олийгоҳни тугаллади. Бу йиллар ичида сўз санъатига маҳлиё бўлди. Сўз дурларини танлаб териб, ундан гўзал маънолар чиқариб яшашга қизиқди — журналистликдек мураккаб ва оғир касбни танлаб, бу йўлда салкам қирқ йилдан бери хизмат қилиб келаётибди.

Мен Санъат Маҳмудовани 1965 йилдан бери биламан. Биз у билан «Саодат» журнали жамоасида ўттиз йилга яқин ёнма-ён меҳнат қилдик. Халқимиз севган, ардоқлаган шоира Зулфия муҳаррирлик қилган бу даргоҳда сўзни сўзга уриб чақинлар чиқаришни ўргандик. Шоира Зулфиядек меҳридарё устоз назарида хизмат қилган йилларимиз бесамар кетмади. Санъат Маҳмудова шундоққина кўз ўнгимизда юксала борди. У ўзи ҳаётда яқин билган — қалбнинг поклиги, самимияти, халққа хизмати билан ўзи суйиб қолган меҳнаткаш инсонлар ҳақида китоблар битди.

Бу йиллар ичида «Саодат» адабиётимизнинг энг яхши дурдоналарини териб, журналхонга етказиш иши билангина кифояланмай, ўз ўқувчилари ҳаётига аралашиш, улар ҳаётини яхшилаш — енгиллатиш чораларини кўришни ҳам ўз олдига вазифа қилиб қўйган бўлиб, Санъат Маҳмудова бу борада таҳририятнинг фаол ходими бўлиб кўзга ташланди. Республикамизда у бормаган вилоят, шаҳар, қишлоқ қолмаган десам муболаға бўлмас. Санъат Маҳмудова муҳарририятнинг беҳисоб ана шундай топшириқларини адо этиб, республикамиз жамоат ҳаётида кўпларга ўрнак бўлиб яшади. Бу йиллар ичида уч ўғил-қизнинг меҳрибон, талабчан онаси бўлиб, уларни ҳаётга йўллади.

Меҳнатдан толмади — бу оғир юкларни адо этишдан марокланиб яшади. Мустақиллигимизнинг 9 йиллик байрами арафасида нафақада бўлса-да, меҳнатдан толмаган журналист Санъат Маҳмудова «Меҳнат шуҳрати» ордени билан тақдирланди.

Журналистика шундай ажойиб бир касбки, ҳар қандай шароитда ҳам журналист бўлиб қолади киши. Санъат Маҳмудованинг ижодини неча-неча йиллар мобайнида кузатиб борарканман, у нафақага чиққанидан кейин ҳам ҳамон ҳаётга аралашиб юрганини, унинг республика газета ва журналларида чоп этилаётган мақола ва ҳикояларидан биламан ва унинг бу фаолиятидан мамнунлик билан: «Бундан сўнг ҳам ана шундай бўлсин!» деб қоламан.

■ **Холида АҲРОРОВА,**
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

КИТОБ — СОДИҚ ДЎСТ

«АДАШГАН ҚИЗ ҚИСМАТИ»

Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти яқинда ёзувчи Тўлқин Эшбекнинг шу номдаги китобини чоп этди.

«Ўзбекистон овози» кўплаб ижодкорлар қатори Тўлқин Эшбек учун ҳам катта мактаб бўлган. Қалами шу ерда қайралган ёзувчининг асарлари, мақолалари дастлаб газетада ёритилганда баҳс-мунозараларга сабаб бўларди. «Қари қизлар қисмати», «Қассоб солиқ тўламайдими?», «Қарзинг қанча қизгина?», «Бензиннинг нархи қанча?» «Елғончининг чин сўзи», «Шудгордаги қуйруқлар», «Қайроқи қайдлар», «Сирли мактуб» каби мақола, ҳажвия ва ҳикоялари эълон қилингач, анча-мунча шовшув бўлгани ёдимизда. Муаллиф уларни янада қиёмига етказиб, бир тўпламга жам этгани жуда хайрли иш бўлибди.

Тўпламни мутолаа қилган киши анчагина маънан бойиганини ҳис этиши, шубҳасиз. Негаки, кўпчиликнинг дилида ўртаниб, тили учида турган мавзуларни ёзувчи маҳорат билан ёрита олган. Арзимасдек туюлган айрим гаплар замирида қанчалик улкан муаммо бўлиши мумкиндигини ишонарли тарзда ёритиш Тўлқин Эшбекнинг ўзига хос услубидир. Китобни варақлар экансиз, ундан адибнинг овози жаранглаётгандек туюлаверади. «Ўз овозига эга ижодкор» деб таъриф беришларининг боиси шундандир. Зотан, қаламкашнинг ўзи билан ҳамсуҳбат бўлганлар бу гапимиздан ҳеч ажабланмаса керак.

Тўпламдан ўрин олган ҳангомалар ҳаётийлиги билан ажралиб туради. «Куёвжўра» мақоласида куёвлик, келинлик либосини кийган баъзи йигит ва қизларнинг тўй куниёқ тушунмасдан йўл қўядиган хатолари ҳақида ҳикоя қилинган. «Келиннинг насаби» мақоласида эса келинлик либосини кийган қизнинг «бошқа фамилияга ўтиши» ҳаёт ҳақиқатига қанчалик тўғри келиш-келмаслиги ҳақида миллий истиқлол мафкураси нуқтаи назаридан ўйлаб кўришга чақиради. «Эрни «ака» дейдими?» мақоласида эса айрим бекаларнинг ўз эрини «фалончи ака» деб чақиришлари мантиқан нотўғри эканлиги мутойиба тарзида баён этилади. Дарҳақиқат, «Ўтган кунлар» романида Кумушбиби жон таслим қилаётган чоғида ҳам «Отабек ака» демасдан, «Бегим» деб зорланганини эслаш кифоя.

Ҳар бир ўзбек исми ўзига яраша чуқур маънога эга. Маъносиз миллий исм бўлмаса керак. Агар исм бирор ҳужжатда хато ёзилдими, демак, уни инсоннинг исми дейишга ҳожат қолмайди. Таассуфки, собиқ шўро тузуми даврида аллакимлар чаласаводларча иш юритиб, исм-шарифларимизни жуда қўпол равишда бузиб ёзаверганлар. Бунинг асорати эса ҳанузгача давом этаётир. Ахир, юртимиз аллақачон истиқлолга эришган, она тилимиз давлат тили мақомига эга бўлса?! Ўша хатоликларни мудом давом эттириш инсонийликка тўғри келадими? Ўзликни англаш, деган улуғвор тушунча қаёқда қолади унда? Тўпламдан ўрин олган «Исмлар жилоси», «Отагинанг «Баба»ми?» сарлавҳали бадиаларда ўша муаммолар мулоҳазакорлик билан ёритилган.

Тўпламдан ўрин олган ҳажвия ва ҳикояларда ҳам ажойиб қаҳрамонлар сиймоси яратилган.

■ **Бобомурод РАЙИМОВ**

— Нега деворни ярмигача бўядингиз?
— Ахир мен ярим ставкада ишлайман-ку.

■ **Абдурасул ҲАКИМОВ чизган расм**

МЕҲР МАНЗИЛИ

РУҲ ҲАЁТГА ҚАЙТДИ

Комил ака энди ўйчан ҳолатда йўлида давом этади. Қизиқ, эллик йилда бир мартаям дилини оғритмапти-я. Мени-чи?

Комил ака иш билан бўлиб, бувисини эсламай қўйганига ўкинди. Яхшиямки, шу Давлат тоғага ўхшаганлар бор. Улардан кейин нима бўламиз-а? Онамнингку сувратларини синглим катта қилдириб уйининг тўрига илиб қўйган. Бувимчи?! Бувим номи нишонсиз йўқ бўлиб кетаверадими? Айтмоқчи, опамда бир кичкина сувратлари бор, деб эшитувдим. Шуни катталаштирсам...

Комил ака бир ойга қолмай сувратни катта қилдириб, меҳмонхонага китоб жавони устига қўйиб қўйди. «Бувижон, шу ердан бизга қараб ўтиринг-а», — деди.

Меҳри хола сувратда ҳам кўзларидан меҳр ёғилиб, шунчалар самимий, беозор қараб турибдики, хонага кирганки одам ундан кўз узолмайди.

Хушхабарнинг қаноти бор, деганлари рост экан. Шу нурли суврат ҳам қариндошуруғларни бир-бири билан кўриштириб қўйди. Ҳатто борди-келдини узиб қўйган амма-холалар, жиянлар: «Ҳой, эшитдингларми, Комилжон Меҳри бувининг сувратини катта қилдирибди», — дейишиб, бир-бирларига хабарлашиб келиб-кетишди. Сувратни тавоф-у Комил акани дуо қилишди.

Меҳри холанинг руҳи тирик экан. Ёки кўпчиликнинг эзозидан сувратга жон битдими, ҳарқалай, бир куни эрта билан торгина ошхонада чой ичишаётганда, Комил аканинг дилини оғритишди. Кеча қизи, ҳа, фан номзоди бўлиш ҳаракатида юрган катта қизи: «Ишимга бош қўшмаяпсиз, ота ҳам шунақа бўладими?» деб қаттиқ жеркиб ташлаганди. Бугун хотини «Тўпиш-тутишингизни тайини йўқ»—деб силталади.

Комил аканинг пиёладаги чойи қолди. Ҳорғин хўрсиниб, эгнига жомасини илганча меҳмонхонага кирди. Бувисининг сувратига, унинг меҳрибон, нурли кўзларига илтижо билан тикилиб қолди.

— Ҳозирги келинларга, қизларга сизга ўхшаган отин-ойилар жудаям керак, бувижон. Эй, худойим, оҳимни эшитсанг-чи! — деб юракдан нола қилди. Шу чоғ суврат жонланди. Ҳа, Меҳри хола оппоқ ойимдока рўмолининг учларини икки елкасига ташлаб, майин жилмайганча сувратдан аста бу ёққа чиқиб келди. «Хафа бўлма, болажоним, невара-келинимниям, эвараларимниям менга қўйиб бер. Ўзим бир гаплашай...» деди.

Комил ака шошиб, бувижонини ўтқазгани жой тополмай қолди. Кўрпача ёзмоқчи эди. Ҳаммаёқ устол-устул-у, кравот, турли-туман антиқа жавонлару диванлар билан тўлиб кетганини шу топда сезди. Бир пайтлар онаси раҳматлик қавиб берган кўрпачаларни ҳам айвонга опчиқиб тахлаб ташлашибди. Комил ака бир амаллаб ранги офтобда ўнгиб кетган яшил бахмал кўрпача топиб келди. Палос устига ёзди. Қўлини кўксига қўйиб, бувисини таклиф қилди.

— Бувижон, марҳамат, ўтиринг.

Кейин у хотини, болаларини чақирди.

— Ҳой, келинглар, бувижонимни кўринглар, — деди Комил ака худди боладай йўраб, эркаланиб. —Мана бу сувратдаги бувим шулар бўладилар. Худо хоҳласа, энди уйимизга файз бўлиб, бирга яшайдилар.

Меҳри хола келини-ю эвараларига қучоғини очган эди, улар хиёл қош чимириб, қўл учини узатиб, «яхшимисиз» дея эркакча кўришиб қўяқолишди. «Вой, тавба, бизнинг замонларда одамлар ажабтовур бир-биримизни бағримизга босиб кўришардик-а» деган ифода балққандай бўлди бувининг нигоҳида.

Оила бошлиғи Комил ака эллик ёшда. Хотини, икки қизи, бир ўғли бор. Ўзиям, хотиниям дарс беришади.

Шу маҳалланинг кекса отахони Давлат тоға Комил акани кўрди дегунча чеҳраси ёришиб кетади. Узоқдан қучоғини очиб келиб, албатта, Меҳри холадан гап очади.

— Э, э, Комилжон домла.

Яхшимилар, тинчмилар. Илоҳим, бувингизнинг руҳи поклари доим сизни қўллаб-қувватлаб турсин. Омин! — у кичкинагина кафтларини қизилмағиз юзига суртиб, кулимсирайди. — Ажойиб бувингиз бор эди-да, раҳматлик. Бутун маҳалла қизларига одоб-ахлоқдан, чеварликдан сабоқ берардилар. Юрсалар йўлларида гул очиларди. Совчилар ҳам етти маҳалладан атай шу бувингизнинг шогирдларини излаб қолишарди. Кампирим раҳматли ҳам... Меҳри холанинг шогирдлари эди. Ҳай, нимасини айтай, бу... руҳинг шод бўлгур кампирим эллик йил бирга яшаб, бир марта дилимни оғритмапти-я. Бир марта кўзимга тик қарамапти-я.

Давлат тоғанинг ҳозиргина кулиб турган кўзлари бир пасда ёшланиб, боладай хўрсинди. Ва бошини қуйи эгганича хайр-хўшлашади.

Шу чоғ ҳаммаларининг кўзи девордаги соатга тушди-ю: «Вой, ишга кеч қоляпмиз» деб тапир-тупур отланиб қолишди. Комил ака бувисининг ёнига келиб, унинг бахмалдек майин елкасини силади.

— Бувижон, хафа бўлманг. Хизматчилик... Мана Дилшоджон тушгача уйда, — деб 16 ёшлардаги кўзлари каттакатта, ўзи ингичка, рангпар, новча йигитчани кўрсатди.

Меҳри хола: «Майли, ой бориб, омон қайтинглар, ишларингиз унумли бўлсин», — деб Дилшоджон билан қоларди.

«Ҳай, майли, — деб ўйлади Меҳри хола ўзига таскин бериб. — Одоб сабоғини Дилшоджондан бошлай қоларканман-да. Аввало нимадан бошласам, бу сочи елкасига тушган, бўйнига сариқ занжир таққан йигитчанинг дилига йўл топа олармикинман?» Шу чоғ Дилшоджон бурчақдаги курси устида турган чиройли қутининг тугмасини шақ-шуқ этиб босди-ю, бирдан шовқин-сурон кўтарилди.

Меҳри хола чўчиб тушди. Кимдир тушунарсиз тилда бақирар, Дилшод узун-узун қўлларию оёқларини ғалати қимирлатиб, куйга жўр бўлар эди. «Тавба, ҳозир одамларнинг ўйинга тушишлари ҳам бошқача бўлиб кетибди-я», деб ўйлади. Меҳри холанинг қулоғи чип битиб қолди. Дилшоджон унинг ёнига келиб қичқирди.

— Сизга қанақа кассета қўйиб берай, бабуля?

— Нима у катайсанг, болам?

Дилшод «Вой, шуниям билмайсизми» деб қорнини чангаллаб кулди.

— Қўй болам, ўша катайсангни ўчир, андак у ёқ-бу ёқдан суҳбатлашайлик. Ўқишларинг қандай, ўртоқларинг кимлар, нима ҳунар ўрганяпсан?

Дилшод бу гапларни эшитдими, эшитмадими, ҳайтовур гап қотди.

— Буви, мен дарс қиламан, эртага имтиҳон, — деди.

Меҳри хола имтиҳон нималигини билади. Шунинг учун ҳам индамай айвонга чиқди. Эшикларни зич ёпди ҳамки, шовқин-сурон эшитилаверди. Катайсадаги одам худди илон чаққандек бақираверди. Тавба, —деб ўйлади Меҳри хола, — бизнинг замонда имтиҳонга тинч жой топиб, дарс тайёрлашарди.

Энди бунақа бўлиб кетибди-да!

Тушда Дилшод мактабга кетаётгандагина катайсани ўчирди. Олам тинчиди.

Ҳадемай, Дилшоднинг опаси Маликахон келди. Кийимлари алламбало, сочи қулоғига зўрға етган.

— Тавба, бизнинг замонда қизларнинг сочи тақимини ўпарди-я, — деб юборди Меҳри хола. Бу гапга Маликахон:

— Тақимини ўпадиган соч супургиликка ярайди, — деб қолар.

Ажаб бир пайтлар дастурхон атрофига йиғилишганда қанча яхши гапларни гаплашиб олишарди. Ёш болалар қулоқ бериб тинглашарди. Ош-овқатдан кейин Бедилхонлиг-у Навоийхонлик бошланарди. Эртаклар, достонлар ўқишарди...

Кечки пайт эшик тарақатуруқ қилиб очилди. Меҳри хола: «Вой, ер қимирладими?» деб дарров калима келтирди. Йўқ, ер тинч экан-у бу... Комилжон ғирт маст бўлиб келган экан. Эшикдан киргач, пишқириб бироз турди-да, кейин бувижонига кўзи тушиб, чанг, лой пойабзалини ҳам ечмай, бувисини ўпмоқчи бўлди. Бай, бай, ҳиди қурсин-эй.

Меҳри хола рўмоли билан оғзини ўради. Юраги симсим увишди.

— Энди... шу ха-па, бўлмайсиз, бувижон, Қишлоқдан шо-шогирдлар келишиб қолишувди.

— Вой, шогирдларга шу тариқа ибрат бўладими киши деган. Шу ёшдаям ичса-я, тавба! — деди Меҳри хола кўзларига ишонмай. — Ростдан ҳам шу ўзимнинг набирам Комилжонми?

Келин ҳам ишдан қайтди. Эрининг турқ-тароватини кўрди-ю бор овози билан бобиллашга тушди.

— Яна ичиб келдингми, жонимга тегдинг. «Гап»да ичиб маст бўлганларинг етмасмиди?

Ичкари хонадан Дилшод бақирди:

— Ойи, ўчиринг овозингизни, дарс қивомман.

Малика эса телевизор овозини баттар баландлатди. Меҳри холанинг заифгина юраги бу аҳволга дош беролмади. У аста ўрнидан турди-ю, рўмолининг учларини елкалари оша ташлаб суврат сари юрди. Сувратга сингиб кетди.

■ **Санъат МАҲМУДОВА**

БОШ МУҲАРРИР
Азим СУЮН

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Сиёсат ва ҳуқуқ — 133-44-55
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-12-56
Котибият — 133-21-43
Реклама ва эълонлар 133-38-55, 133-47-80
Факс — 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 136-53-16;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 4-61-35;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи
Соҳибжон САЛИМОВ

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Сахифаловчи-дастурчи
Икром ИСМОИЛОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: *Буюк Турон кўчаси, 41-уй.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00004
Газета офсет усулида, А—2 форматида босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 702

Топшириш вақти -- 21.00.
Топширилди -- 21.00.
1 2 3 4 5 6

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА